Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

2012 йил Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

*O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi* www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 26-IYUL, PAYSHANBA, 88 (8013) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.





Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

## САҲИФАЛАРДА:








ЧИЛЛА СУВИ — ТИЛЛА СУВИ 3

ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ ЛОНДОНДА 5

ТОТЛИ МУЗҚАЙМОҚ – КАЙФИЯТНИ АЙЛАР ЧОҒ 8

# ЯНГИЧА ҲАРАКАТ ЮКСАК ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

**Кўплаб давлатларда озиқ-овқат таъминотида жиддий муаммолар юзага келаётган бир пайтда мамлакатимизда она замин саховати ва деҳқонларимиз пешона тери эвазига ҳосилдорлик йилдан-йилга ортиб, бозорларимиз тўкинлиги таъминланаётир.**

**Кўпчилигимиз яхши эслаймиз: ўтган асрнинг саксонинчи йилларида иқтисодиётнинг бир томонлама ривожлангани, пахта яккаҳокимлиги туфайли Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги издан чиққан эди. Режа ортидан қувиб, ер ва сувга қилинган аёвсиз тажовуз оқибатида кўплаб ҳудудлардаги майдонлар унумдорлиги тушиб кетганди.**




*— Тўғриси, ҳозирги кенг имкониятларни бир пайтлар орзу ҳам қилолмасдик. Бугун техникамиз бадастир, еримиз унумдорлиги юқори, рўзғоримиз бут, кўнглимиз хотиржам, — дейди Чуст туманидаги «Сади файз» фермер хўжалиги раҳбари Файзулло Саъдиев.*

– Мустақиллик шарофати билан биз, деҳқонларнинг кўксимизга шамол тегди, – дейди Бўстонлиқ туманидаги "Сойлиқ" маҳалласи фаоли Риқсинбой Йўлдошев. – Ернинг ҳақиқий эгаси ким эканини англаб етдик. Бугун фермерлар нафақат ўзининг, балки халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга, юртимизга барака олиб киришга хизмат қилмоқда.

Бирор-бир янгиликни ҳаётга татбиқ этишнинг ўзи бўлмайди. Фермерлик ҳаракати бошланган дастлабки йилларда унга шубҳа билан қараганлар ҳам, бу ишни осонгина пул топиш манбаи деб, адашганлар ҳам бўлди. Аслида бу заҳматли меҳнат ва сабр-тоқат талаб қиладиган иш. Халқнинг ризқу рўзи, насибаси, керак бўлса, тақдири билан боғлиқ масъулиятни зиммага олишнинг ўзи бўлмайди. Ерга эгалик қилиш ундан оқилона фойдаланиб, эл дастурхони учун маҳсулот етиштириш, деганидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1991 йил 29 ноябрда қабул қилинган "Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини бошлаб берди.

Истиқлолимизнинг илк кунларидан бошлаб амалга ошириб келинаётган ана шундай изчил, кенг кўламлиислоҳотлар туфайли юртимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди. Бу механизм тобора такомиллашмоқда ва бугун муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ҳар йили фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурслар ажратилмоқда. Фақат ўтган 2011 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун бир триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилгани бунинг ёрқин далилидир.

Соҳада амалга оширилган изчил ислоҳотлар туфайли фермерлар аграр соҳанинг таянчига айланди. Мамлакатимиздаги мавжуд 67 мингдан зиёд фермер хўжалиги аҳли меҳнатига яраша даромад олиш, халқимиз дастурхони тўкинлиги учун меҳнат қилаётганини яхши англайди. Шу боис, фермер пахта ва ғалла етиштирувчигина эмас, балки маҳсулотни қайта ишлаш, қадоқлаш, экспорт қилиш ҳамда аҳолига сервис хизмати кўрсатиш борасида ҳам фаол. Фермерларнинг саъй-ҳаракати билан қишлоққа саноат жадал кириб бормоқда, янги-янги иш ўринлари яратилмоқда.

– Фермерликни бошлаганимизга ўн саккиз йилдан ошди, – дейди Наманган вилояти Чуст туманидаги «Сади файз» фермер хўжалиги раҳбари Файзулло Саъдиев. – Тўғриси, ҳозирги кенг имкониятларни бир пайтлар орзу ҳам қилолмасдик. Бугун техникамиз бадастир, еримиз унумдорлиги юқори, рўзғоримиз бут, кўнглимиз хотиржам.

Мазкур фермер хўжалигининг 104 гектар ер майдони бор. 64 гектар майдондаги ғалладан 55 центнердан ҳосил олинди. 36 гектардаги ғўза баравж ривожланмоқда. Узоқни кўзлаб амалга оширилган юмушлар самарасида хўжалик аъзолари ўтган йили ғалла ва пахтадан 212 миллион сўм даромад олди. Хўжаликда қўшимча тармоқлар ҳам ривожлантирилмоқда. 2002 йилда тўрт гектарда олма ва анор кўчатлари экилган бўлса, жорий йилда беш гектар ерда интенсив боғ ташкил этилди. Ўтган йили иссиқхона қурилди. Айни пайтда кўкат ва зираворлардан хўжаликка яхшигина фойда келаётир.

– Қанча даромад олиш ўзингизга, меҳнатингизга боғлиқ эканини билганингиздан кейин қўл қовуштириб ўтиролмай қолар экансиз, – дейди Ф.Саъдиев. – Меҳнатимиз орқали ҳам ўзимиз фойда кўрамиз, ҳам юртга наф келтирамиз. Фермер бўлиб жамиятнинг керакли бир аъзоси эканимизни ҳис қилдик, обрў-эътибор қозондик.

Ҳа, истиқлол туфайли оддий деҳқондан мулкдорга айланган фермерлар бугун ўз даромадини эркин тасарруф қилиш ҳуқуқига эга: хоҳласа машина олади, истаса уй қуради. Муҳими, фермерлик ҳаракати фақат бир одамнинг эмас, балки бутун жамиятнинг фаровонлигини таъминловчи кучга айланди.

– Фермерлик ҳаракати жорий этилгандан бери мулкдорлар сафи ҳам ортмоқда, – дейди Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Файзулла Бердиев. – Энг асосийси, фермерлик юксак масъулият эканини қишлоқ мулкдорлари теран англаб етди. Эндиликда етиштираётган маҳсулотини қайта ишлаш истагидаги фермерлар сони ортиб, улар ўз завод ва минитехнологиясига эга тадбиркор сифатида шаклланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, фақат деҳқончиликнинг ўзи билангина халқни боқиб, фаровонликка эришиб бўлмайди. Фермер нафақат деҳқон, балки иқтисодчи, менежер, агроном, саноатчи бўлиши керак. Фермер етиштирган маҳсулотини ўзи қайта ишлаши, шу орқали қишлоққа саноатни жадал олиб кириши лозим. Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиши, аҳоли фаровонлигини оширишга, ёшларни иш билан таъминлашга фаол ҳисса қўшиши лозим.

Замон билан ҳамнафас яшаётган мулк эгалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини комплекс қайта ишлаш, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш билан бир қаторда ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда чорвачиликни ривожлантириб, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ҳам кенг йўлга қўймоқда. Тошлоқ туманидаги "Мухтора MZXM", Тайлоқ туманидаги "Сиёб Шавкат орзу", Хўжайли туманидаги "Сабир ота", Хатирчи туманидаги "Орзу", Жиззах туманидаги "Чақмоқ" фермер хўжаликлари шулар жумласидандир.

Юқори иқтисодий самарадорлик учун бурчли эканлигини яхши англаган фермерларимиз ўз вазифаларига алоҳида масъулият билан ёндашмоқда.

Ҳозир асосий эътибор импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилмоқда. Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси хориж сармояларини жалб этиш мақсадида хорижий давлатларнинг ваколатхоналари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйган. Ана шундай ҳамкорлик самарасида Фарғона, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этилиб, тўлиқ жиҳозланди. Уюшманинг Сурхондарё вилояти филиали томонидан тоғ ва тоғолди ҳудудларида писта ва бодомзорлар ташкил этиш, Шаҳрисабз туманида эса қайта тикланувчи муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси тизимидаги хизмат кўрсатувчи марказлар мулк эгаларини ҳар томонлама, жумладан, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг биринчи чорагида ўн мингдан зиёд фермерга консалтинг, қарийб тўққиз юз нафарига брокерлик, бир минг икки юз нафарига эса юридик хизмат кўрсатди.

...1991 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмида хусусий секторнинг улуши атиги бир фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 54 фоизга етди. Бундай юксак натижаларга осонлик билан эришилгани йўқ, албатта. Бу Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг амалдаги юксак самараларидир.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*Сурат муаллифи*
*"Qishloq hayoti" мухбири*
*Рашид ГАЛИЕВ.*

# ДАЛИЛЛАРНИ МЕНСИМАСЛИК АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН

**Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Қурилиш ва архитектура агентлиги раҳбарининг ўринбосари Нурали Саидов 2012 йил 16 июль куни бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу йил 12 июлда "Правда Востока" газетасида чоп этилган мақолада кўтарилган Роғун ГЭСи қурилиши масаласи юзасидан изоҳ берди.**

Н.Саидов матбуот анжумани қатнашчиларини Роғун ГЭСи майдонида "фақат қайта тиклаш ишлари олиб борилаётгани ва ҳеч қандай янги объектлар қурилмаётгани"га ишонтиришга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Лекин, қанчалик уринмасин, унинг баёноти Тожикистон томони мазкур ГЭС қурилиши лойиҳаси мустақил халқаро экспертизадан ўтмагунича Роғун ГЭСи қурилишига йўл қўймаслик борасида ўз зиммасига олган мажбуриятларни қўпол равишда бузаётгани ҳақида халқаро ҳамжамият ташвишга тушаётгани асосли эканини яна бир бор тасдиқлади.

Хусусан, тожикистонлик мазкур мансабдор шахс Вахш дарёсини тўсишга тайёрлаш борасидаги қурилиш ишлари жадал суръатда олиб борилаётганини тан олишга мажбур бўлди. У "иккита сув ташлайдиган туннелни тўлиқ ва сифатли қуриб битказишимиз керак. Ҳозир туннеллар деворларини қайта цементлаш ишлари олиб борилмоқда", деб очиқчасига баёнот берди.

Шу билан бирга, машина ва трансформатор заллари ичида асосий қурилиш ишлари ниҳоясига етиш арафасида экани таъкидланди. "Биз аввало, бу ишларни сифатли якунлашимиз, шундан сўнггина Вахш дарёси ўзанини тўсишга киришишимиз лозим", – деди Н.Саидов. Унинг айтишича, "Роғун ГЭСининг икки агрегати учун деярли барча зарур ускуналар тайёрланган ва олиб келиб қўйилган". Шу билан бирга, у "айни пайтда Роғун ГЭСи қурилиши майдонида саккиз минг нафардан ортиқ қурувчи, жумладан, чет эллик қурувчилар ишлаётгани"ни маълум қилди.

Тожикистон Молия вазирлигининг 2012 йил 19 июлда берган баёноти ҳам Роғун ГЭСи комплекси қурилиши жадал суръатда давом эттирилаётганини тасдиқлайди. Ушбу баёнотда "Роғун ГЭСи лойиҳасини бюджетдан молиялаштириш бўйича 2012 йил учун 210 миллион АҚШ долларига тенг маблағ ажратилиши кўзда тутилган ва бу жараён тўхтатилмайди", деб қайд этилган.

Тожикистон томони ўзини Жаҳон банкига берган баландпарвоз ваъдалари ва мажбуриятларининг гўёки, унга алоқаси йўқдек ҳис қилаётгани ҳамда бугунги кунда Жаҳон банки томонидан 20 миллион доллар миқдорида "лутфан" тақдим этилган пул эвазига ўтказилаётган халқаро экспертизанинг кутилаётган натижалари уни асло жиловлай олмаслигини исботлаш учун яна қандай далиллар керак?

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: агар Жаҳон банкининг халқаро экспертизаси натижалари бўйича Роғун ГЭСи қурилиши танланган мазкур майдонда улкан тўғон қурилишига йўл қўйиб бўлмаслиги, негаки унинг пойдевори 100 метр қалинликдаги туз қатламида жойлашгани ва у ерда Рихтер шкаласи бўйича 9-10 балли зилзилалар тез-тез рўй бериб, тоғ жинслари кўчиб туриши ҳақида хулосага келинса, Тожикистон ҳукумати қандай аҳволда қолади?

Иккинчидан. Балки юқорида зикр этилган «мустақил» экспертизани ўтказишдан мақсад қурувчилар ва буюртмачиларнинг жорий фаолиятини ниқоблаш, халқаро ташкилотлар ва жамоатчилик ҳушёрлигини сусайтириш ҳамда пировардида, уларни ушбу объект қурилишини ортга қайтариб бўлмаслигига ишонтиришдан иборатдир?

Ўзбекистон Тожикистон томонини халқаро ташкилотлар, институтлар ва тадқиқот ташкилотларини бу тарзда чалғитишга уринишлар ғоят аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида яна бир бор огоҳлантиради.

Жиззах Вилояти

# ФЕРМЕРЛИК – ИСТИҚБОЛЛИ ҲАРАКАТ




**Энг улуғ, энг азиз байрамимиз яқинлашгани сари шаҳару қишлоқларимиз янада гўзаллашиб, одамлар руҳиятида кўтаринкилик тобора ёрқин зоҳир бўлмоқда. Арнасой тумани қишлоқларида, чўлнинг қийин иқлим шароитида ишлаб, юртимиз маъмурчилигига салмоқли улуш қўшаётган фермерларда ҳам ана шундай юксак кайфият ҳукмрон.**

– Шу кунларда қишлоқларда ҳаёт қайнаган пайт, – дейди «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Рустам Ўтабоев. – Ғалла ўрим-йиғимининг, ғўза парваришининг ташвишларига ҳосил тўплаш, етиштирилган пахтани териб олиш ишлари уланиб кетади.

Рустам Ўтабоев деҳқон оиласида туғилиб, даланинг меҳнати, пахтанинг заҳмати билан вояга етди. Шу боис бўлса керак, мустақиллик туфайли бошланган ислоҳотларни, деҳқонларга берилган имкониятларни чуқур ҳис қила олди. Фермерликка биринчилардан бўлиб киришди. «Лочин» фермер хўжалигини ташкил этиб, мустақил фаолият бошлади.

Тўғри, дастлабки йилларда муайян қийинчиликларга дуч келди. Ҳали кўпчилик идораларда фермерликка ширкатнинг битта бригадаси сифатида қараб, ўзининг айтганини қилдираман, дейдиган амалдорлар учраб турадиган ўша даврларда мустақил иш юритиш осон эмасди.

Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича олиб борилган изчил саъй-ҳаракатлар фермерларга катта умид бағишлади, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади. Даланинг паст-баландини билган, олий маълумотли иқтисодчи Р.Ўтабоев ўз билим ва тажрибасини ишга солиб, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳаракат қилди. Натижада ҳосилдорлик пахта бўйича 15 центнердан 43,6 центнерга, ғалла бўйича эса 18 центнердан 48 центнерга кўтарилди.

Фермерликни 30 гектар майдонда пахта етиштиришдан бошлаган Рустам ака ҳозир 210 гектар майдонда деҳқончилик қилаётир. Бу йил 83,6 гектар майдонга ғалла экиб, ҳар гектаридан ўртача 50 центнердан ошириб ҳосил олди. 57,6 гектар майдондаги баравж ривожланаётган пахтасидан ҳам юқори ҳосил етиштиришни мўлжаллаб турибди.

Хўжалик 2009-2011 йиллар мобайнида пахта ва ғалла етиштиришдан 520 миллион сўм соф фойда олди. Даромад ва банк кредити ҳисобидан олтита чопиқ трактори, ҳайдов трактори ва «Клаас» комбайни харид қилинди. Сеялкалари, культиватор ва бошқа зарур техникалари мавжуд.

Хўжалик даромади ошиши билан унда ишлаётган 21 нафар кишининг турмуш фаровонлиги ҳам ўсиб бораётир. Ишчиларга иш ҳақидан ташқари буғдой тарқатилмоқда. Уларга қулайлик яратиш мақсадида шинам дала шийпони қурилди. Қишда иссиқ, ёзда салқин бу иншоот деҳқонларнинг иккинчи уйига айланган.

Ўз касбининг устаси, ер билан тиллаша оладиган Рустам Ўтабоев эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонди, давлатимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлди. Халқ депутатлари туман, вилоят кенгашларининг депутати сифатида ҳудудни ижтимоий, иқтисодий ривожлантириш ишларида фаол иштирок этаётир.

Иш унумли бўлган жойда ривожланиш бўлади. Яхши ишлашдан мақсад – яхши яшашдир. Бу ҳақиқатни арнасойлик юзлаб деҳқонлар ҳаётида ҳам яққол кўриш мумкин. Бугунги кунда Арнасойда шаҳарлардагидек кўркам, ҳашаматли уй-жойлар, бинолар пайдо бўлди. Туманда 2011 йили 380 оила ҳовли тўйларини ўтказди. Намунавий лойиҳалар асосида ўттизта уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йил йигирма бешта шундай турар-жой бунёд этилаётир.

– Илгари пастқам уйлар, пахса деворлар ёки бетон коттежлардан бошқа иморат бўлмаган чўл қишлоқларида бугун шинам, замонавий уйлар кўпайиб бораётир, – дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлими раиси Исоқ Аввалбоев. – Ўтган йили туманимизда намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлар билан бирга кўплаб замонавий савдо, хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. Қишлоқларимиз йилдан-йилга обод бўлиб бораётир.

Янги иншоотларнинг аксарияти фермерлар томонидан барпо этилаётир. Деҳқончиликдан яхши даромад қилаётган фермерлар орттирган маблағларига мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар, савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотлари қурмоқда. Шу йилнинг ўзида туманда саноат, озиқ-овқат, хизмат кўрсатиш бўйича 34 лойиҳа амалга оширилаётир.

Хайри борнинг – баракаси бор, дейди халқимиз. Рустам ака ҳам фермер хўжалиги даромадининг бир қисмини хайрия, ҳомийлик каби савобли ишларга сарфлаяпти. Ҳудуддаги кам таъминланган оилаларга ўн бошга яқин сигир ҳадя қилди.

Муборак Рамазон ойи давом этаётган айни кунларда эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган бундай хайрия тадбирларига янада кенг эътибор қаратилмоқда.

Ҳа, сидқидилдан меҳнат қилган одам касби коридан ҳам, оиласидан ҳам барака топади. Бугунги кунидан рози бўлиб, эртанги кунга катта умидлар билан боради.

**Тошқул БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Тошкент Вилояти

## ЧИЛЛА СУВИ — ТИЛЛА СУВИ

Оҳангарон—Далварзин ирригация тизими бошқармаси Бекобод, Бўка, Пискент ва Оҳангарон туманлари деҳқонларига хизмат кўрсатади. Уларнинг экинларини обиҳаёт билан таъминлайди. Айни пайтда бошқарма жамоаси қизғин меҳнат қилишмоқда. Июль — ғўза парваришида муҳим давр. Бу пайтда сувга қонган ғўзалар ҳосили мўл, бўлиқ ва салмоқли бўлади. Ирригация тизимининг Бўка тумани бўлими томонидан амалга оширилаётган тадбирларда ҳам айни шу жиҳатга эътибор қаратилаётир. Бўлим бошлиғи Исмат АМИНОВ шу кунларда туманда ғўзани суғориш билан боғлиқ ишлар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

# Обиҳаётнинг ҳам ўз меъёри бор



— Жорий йилда ғўза парвариши билан боғлиқ барча агротехник тадбирлар ўз вақтида алоҳида масъулият билан амалга оширилмоқда. Бу ҳақда гап борар экан, экинларни қондириб суғоришда ҳикмат кўплигини таъкидлаш жоиз. Тажрибали бободеҳқонларимиз "Чилла суви — тилла суви" дея бежиз айтишмаган. Ушбу паллада ғўзани тунда қондириб суғориш, айниқса, "шарбат" оқизиш ишларига эътиборни кучайтириш яхши натижа беради.

Айни кунда тумандаги мавжуд 473 та фермер хўжалиги ихтиёридаги 15 минг 271 гектар ғўза майдони асосан тунда суғорилиб, зарур бўлган ўғитлар бериб келинмоқда. Бунинг учун алоҳида тадбирлар ҳам ишлаб чиқилган. Ушбу долзарб вазифалар тумандаги 6 та сув истеъмолчилари уюшмаси билан ҳамкорликда баҳамжиҳат олиб борилмоқда. Тажрибали мироблардан иборат 77 та отряд ташкил этилган. Ушбу отряд аъзолари ҳар куни фермер хўжаликлари даласида бўлиб, қайси пайкалдаги ғўзага сув зарурлигини аниқлайдилар. Махсус штаб аъзолари суғориш билан боғлиқ барча жараённи доимий назорат қилиб боришади. Ушбу ишлар Маъруф Сайдалиев раҳбарлик қилаётган "Қўштепа сувчи" ҳамда Жасур Меликўзиев бошқараётган "Жасур сувчи" номли сувдан фойдаланувчилар уюшмаларида алоҳида омилкорлик билан ўтказилмоқда. Қайд этиш лозимки, "Кўкорол" ва "Гулистон" фермер хўжаликлари уюшмаси тасарруфида 1,5 минг гектардан зиёдроқ ғўза майдонлари бор. Ғўза майдонларининг аксарият қисми насослар ёрдамида суғорилади. Шароитни ҳисобга олиб, бу ҳудудларга сув етказиб бериш ҳамда тунги суғоришга қўшимча кучлар жалб этганмиз. Ҳозирда ушбу жараёнда 2976 нафар сувчи иштирок этмоқда. Ҳар бир миробга ўртача 5 гектардан ғўза майдони тўғри келади. Мазкур ишларни юқори савияда ўтказиш учун фермер хўжаликларида ҳар жиҳатдан қулай шарт-шароитлар яратилган. Мурод Солиҳов раҳбарлик қилаётган "Умид", Фарҳод Мустафоев бошлиқ "Аҳмад ота" ҳамда Шавкат Ҳайитбоев раҳбарлигидаги "Ҳайитбоев Шавкат" фермер хўжаликларидаги тунги суғориш борасидаги ишларни намунали, деб эътироф этиш мумкин. Ишонамизки, бу йил ҳам бўкалик пахтакорлар мўл ҳосил етиштириб, юксак хирмон кўтарадилар.

**Суҳбатдош:**
**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

НаВоий Вилояти

# ТУНГИ СУҒОРИШ ИККИ КАРРА САМАРАЛИДИР

*— Экинларни асосан тунда суғорамиз. Мана шу пайкалга кеча оқшом сув таралди. Сувчиларимиз ишнинг кўзини билишади. Экинни фақат "шарбат" усулида суғоришади. Сув ғўзанинг жони бўлса, маҳаллий ўғит сув билан экин танасига қон бўлиб киради.*

Навбаҳор туманидаги «Мухтор ота» фермер хўжалиги раҳбари Нажмиддин Рўзиев билан дала бошидаги суҳбатимиз шундай бошланди. У салкам ўн беш йилдирки, фермерликни дўндириб келаётган қишлоқ мулкдори.

— 1999 йил туманимиз ҳудудидан янги фермер хўжалиги учун 10 гектар ер ажратиб беришди, — дейди у. — Фермерлик фаолиятимдаги биринчи йил. Бор-йўғи уч кишимиз. Экин майдонларига тўлиқ буғдой экдик. Аммо ҳосил яхши бўлмади. Боиси, ҳали тажрибамиз кам эди. 2002 йил экин майдонларимиз анча кенгайди. 24 гектарга етди. Ўша йили ғалладан 70 центнер, пахтадан 33 центнердан ҳосил олдик. Ишчиларимиз сони 20 нафарга етди.

Ишнинг ҳадисини олган, тажрибаси ошган фермернинг ишлари йил сайин юриша бошлади. Ўтган йили фермер хўжалиги аъзолари 140 гектар майдонда деҳқончилик қилишди. Етиштирилган 150 тонна ғалланинг 90 тоннаси давлатга сотилди. 60 тонна ғалла эса фермер омборида қолди. Фермернинг ҳисобига кўра, ғалладан 87 миллион сўм атрофида соф фойда олинибди. Пахтадан эса 30 центнердан ҳосил кўтарилди. Бу соҳадаги даромад 126 миллион сўмни ташкил этди.

Айни пайтда фермер хўжалигида 11 нафар сувчи, 3 нафар тракторчи, жами 67 нафар киши меҳнат қиляпти. Улар 55 гектарлик ғалла майдонидан 270 тоннадан ортиқ ҳосил кўтаришди. Ҳар гектар ердан ҳосилдорлик 50 центнерга етди.

— Банк томонидан имтиёзли кредит берилаётгани, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун давлат томонидан маблағ ажратилаётгани ишимизнинг олға силжишига, иқтисодий имкониятларимизнинг ошишига олиб келяпти, — дейди фермер. — Масалан, ерларимизнинг 50 фоизининг мелиоратив ҳолати талабга жавоб бермайди. Зовурларни қазиш, тозалаш туфайли ана шундай майдонларнинг ҳам фойдаланиш даражаси яхшиланиб боряпти.

Хулоса ўрнида айтиш кераки, «Мухтор ота» фермер хўжалиги аъзолари йил сайин ўз иқтисодий имкониятларини оширишга ҳаракат қилишмоқда. Натижада уларнинг турмуши янада фаровонлашиб боряпти.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Жиззах вилояти

# МУСТАҲКАМ ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Жиззахда олиб борилаётган ишлар билан танишсангиз ҳам бунга амин бўласиз. Бу борада Жиззах шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими, шаҳар тиббиёт бирлашмаси, тижорат банклари филиаллари ва бошқа тегишли идора ҳамда ташкилотлар ҳамкорлигида аниқ дастур ишлаб чиқилган.

Дастурга асосан йил бошиданоқ янги оила қурадиган ёш йигит-қизлар ҳисобга олиниб, уларнинг оилавий аҳволлари, касб-корлари, саломатликлари, турар-жой ва бошқа шарт-шароитлари ўрганиб чиқилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида шаҳарда 400 дан зиёд келин-куёвларнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Тижорат банклари томонидан ана шу ёш оилалардан 310 тасига уй-жойларини таъмирлаш, қуриш ёки сотиб олишлари учун ипотека кредитлари, 50 тасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликларини йўлга қўйишлари учун микрокредитлар, бир нечтасига мебель ва бошқа уй-рўзғор буюмлари сотиб олишлари учун истеъмол кредитлари ажратилди.

Мустаҳкам оила йили муносабати билан "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси, "Меҳр нури" ва Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари томонидан 11 жуфт келин-куёвнинг никоҳ ҳамда 20 нафар болаларнинг суннат тўйлари тантанали ўтказилди. Шаҳар ҳокимлиги, ташкилот ва корхона жамоалари ҳамда хусусий тадбиркорлар томонидан янги оилаларга телевизор, гилам, мебель, ошхона ва дам олиш хоналари жиҳозларидан иборат совғалар тақдим этилди.

Оила, унинг фаровонлиги ҳамда мустаҳкамлиги юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир вақтда бундай хайрли ишлар келажакда, албатта, ўзининг ижобий самарасини беради. Зеро, оила мустаҳкам экан, фарзандларимиз бахтиёр, жамиятимиз янада равнақ топаверади.

**Матлуба МАЖИДОВА,**
**Жиззах шаҳар 8-сон давлат нотариал идораси нотариуси.**

# ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗЛАРИ

**Аҳолининг ахборотга бўлган талабини, ёшларнинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириб, маънавиятимизни бойитиш ҳамда қадриятларимизни асрашга хизмат қилмоқда**



Истиқлол йилларида мамлакатимизда замонавий ахборот-кутубхона тармоғини ташкил этиш, ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжини қондириш, қадриятларни сақлаб қолиш, аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қарор эълон қилинганидан сўнг мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ташкил этилиб, анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишдан замонавий ахборот технологияларига асосланган ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга асос солинди.

Ўтган даврда нафақат ахборот-кутубхона муассасалари сони кўпайди, балки улардан фойдаланиш истиқболлари ва географияси ҳам кенгайди.

Айниқса, "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши янги турдаги ахборот-кутубхона муассасалари тизимини, уларнинг мақомини, вазифаларини белгилаб берди.

Ахборот-кутубхона марказларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Хусусан, Наманган, Самарқанд, Хоразм, Фарғона ва бошқа қатор вилоятларда ахборот-кутубхона маркази бинолари таъмирланди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Навоий вилояти ахборот-кутубхона марказлари учун янги бинолар ажратилди ҳамда тўлиқ реконструкция қилинди. Бундан ташқари, узоқ қишлоқ жойлардаги аҳолига самарали хизмат кўрсатиш, илмий-услубий ишларни амалга ошириш ҳамда кўчма кутубхона ва кўргазмаларни ташкил этиш мақсадида қатор ишлар олиб борилди.

Энг муҳими, барча ахборот-кутубхона марказларида локал компьютер тармоғи ўрнатилиб, интернет ва "ZiyoNET" порталига кириш имкониятлари яратилди.

**Гулшан ҚУРБОНОВА**


**Вниманию организаций и предприятий!**

## ИК ПО КС ХОКИМИЯТА НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ
## ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ НА ОБЪЕКТ: ЛОТ № 1

**Лот № 1-1. "Капитальный ремонт автодороги 4Н364в подъездная дорога к селу Навруз из а/дороги М-37 на участке 2-4км.".**

**Стартовая стоимость заказчика** составляет без НДС 624 395 912 сум, с НДС 749 275 094 сум.

**Срок окончания работ,** установленных заказчиком 3 месяца.

**Лот № 1-2. "Капитальный ремонт автомобильной дороги 4к390 "б" подъезд от автодороги 4р271 к с.Совукбулок".**

**Стартовая стоимость заказчика** составляет без НДС 473 337 051 сум, с НДС 568 004 461 сум.

**Срок окончания работ,** установленных заказчиком 4 месяца.

**Лот № 1-3. "Капитальный ремонт автодороги 4К364 "Навоий ш.—Нарпай к.—Чордара к.—Пархона к.—Абранон к на участке 2,5-6,5км".**

**Стартовая стоимость заказчика** составляет без НДС 792 794 950 сум, с НДС 951 353 940 сум.

**Срок окончания работ,** установленных заказчиком 4 месяца.

**Лот № 1-4. "Капитальный ремонт автомобильной дороги 4к389 "а" подъезд от автодороги 4р57 к с.Оккабак".**

**Стартовая стоимость заказчика** составляет без НДС 1 944 727 301 сум, с НДС 2 333 672 761 сум.

**Срок окончания работ,** установленных заказчиком 5 месяцев.

**Заказчик** ИК по КС хокимията Навоийской области.

**Расположенный** г.Навои, ул.Навои-63.

**Финансирование проекта будет осуществляться** за счет средств дорожного фонда.

*(размер квот для субъектов малого бизнеса 25%)*

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г.Навои ул.Гвасалия-2а, тел.: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навои ул.Гвасалия-2а, тел.: 225-49-96.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.




Ҳуқуқий маслаҳатхона

**Ипотека нарсаси ва ипотека шартномаси ҳақида маълумот берсангиз. Ипотека шартномаси қандай тартибда расмийлаштирилади?**

**Отажон РЎЗИЕВ**
*Чироқчи тумани*

# ИПОТЕКА ШАРТНОМАСИ

Ипотека шартномаси 2006 йил 4 октябрдаги Ўзбекистон Республикасининг "Ипотека тўғрисида"ги Қонуни асосида тузилади.

Ипотека бўйича муносабатларга нисбатан, агар ушбу Қонунда бошқа қоидалар белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Гаров тўғрисида"ги Қонунда белгиланган гаров ҳақидаги қоидалар қўлланилади.

Ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздорнинг ўзи ёки бу мажбуриятда иштирок этмайдиган учинчи шахс (ашёвий кафил) ипотекага қўйовчи бўлиши мумкин.

Ипотека белгиланган мол-мулк, агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага қўйовчининг эгалигида ва фойдаланишида қолади.

Бино ва иншоотлар, кўп қаватли уйлардаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулкий мажмуалар, юридик ва жисмоний шахслар мулки бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек, қонунда кўчмас мулк жумласига киритилган бошқа мол-мулклар ипотека нарсаси бўлиши мумкин.

Кредит шартномаси ёки қарз шартномаси бўйича мажбуриятнинг ижросини фоизлар тўлаш шарти билан таъминлаш учун белгиланган ипотека кредиторига (қарз берувчига) кредитдан (қарз маблағларидан) фойдаланганлиги учун унга тегиши керак бўлган фоизлар ҳам тўланишини таъминланади.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, "Ипотека тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасида кўрсатилган ипотекага қўйовчига мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар ёки шартномавий асосда тегишли бўлган мол-мулкка ипотека белгиланади.

Умумий биргаликда бўлган мол-мулк фақат барча мулкдорларнинг ёзма розилиги билан ипотекага қўйилиши мумкин.

Умумий улушли мулк иштирокчиси умумий мулк ҳуқуқидаги ўз улушини бошқа мулкдорларнинг розилигисиз ипотекага қўйиши мумкин.

Ипотека тўғрисидаги шартномада мажбуриятни бажариш муддати ва гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида турганлиги, шунингдек, тарафлар келишувга эришган бошқа маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Ипотека нарсасини баҳолаш ипотека қўйовчи билан ипотекага олувчи ўртасидаги келишувга кўра ёки баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Ипотека билан таъминланганлик мажбуриятига асосан ипотека тўғрисидаги шартномада унинг суммаси, вужудга келиш асослари ва бажарилиш муддати белгиланган ҳолда кўрсатилиши керак. Ипотекага қўйовчи шартнома тузилаётганда ипотека давлат рўйхатидан ўтказилаётган пайтда ўзига маълум бўлган учинчи шахсларнинг ипотека нарсасига бўлган барча ҳуқуқлари ҳақида ипотекага олувчини ёзма шаклда огоҳлантириши шарт.

Ипотека тўғрисидаги шартнома нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Шундагина у ҳақиқий ҳисобланади ва кучга киради.

**Саволга Чироқчи тумани 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Хайрулла ДУСИЁРОВ жавоб берди.**

# ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ ЛОНДОНДА

## ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ XXX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН 24 ИЮЛЬ КУНИ БУЮК БРИТАНИЯ ПОЙТАХТИ ЛОНДОН ШАҲРИГА ЖЎНАБ КЕТДИ



Олимпия ўйинларида мамлакатимиз шарафини 17 спорт тури бўйича 54 нафар спортчимиз ҳимоя қилади.

"Тошкент" халқаро аэропортида спортчиларимизни Олимпия ўйинларига тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари, спорт жамоатчилиги вакиллари, спортчиларнинг ота-оналари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маросимда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Р.Жой ва бошқалар спортчиларимизга муваффақиятлар тилади.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни ривожлантириш, халқаро майдонларда Ватан шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган ёш иқтидор эгаларини тарбиялаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Лондон Олимпия ўйинлари учинчи бор ўтказилаётган ягона шаҳардир. Ушбу шаҳар бундан аввал 1908 ва 1948 йилларда мазкур нуфузли мусобақани қабул қилган. Британияда навбатдаги Олимпия ўйинларини юқори савияда ўтказиш учун кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилди. "Aquatics Centre" сув ҳавзалари саройи, стадионлар, спорт майдонлари, томошабинлар учун махсус жойлар барпо этилди. XXX ёзги Олимпия ўйинлари ғолиблари учун мўлжалланган медаллар бундан бир йил аввал тайёрлаб қўйилганди. Машҳур рассом ва дизайнер Дэвид Уоткинс томонидан ишланган мазкур медаллар Трафальгар майдонида малика Анна иштирокида кенг оммага намойиш этилди.

Олимпиада ташкилотчиларининг сўзларига қараганда, мусобақалар ўтказиладиган барча майдонларнинг қурилиш ишларида тўқсон фоиз экологик тоза маҳсулотлар, асбоб-ускуналар, техника ва технологиялардан фойдаланилган. Мамлакат ҳукумати Олимпия ўйинлари давомида иштирокчилар ва меҳмонларга автомобиллардан фойдаланишни қатъиян тақиқлади. Бунинг ўрнига уларга жамоат транспорти ҳамда велосипедда ҳаракатланиш тавсия этилмоқда.

Мамлакат ҳукумати Олимпия ўйинлари давомида сайёҳларни янада кенгроқ жалб қилиш мақсадида, алоҳида дастурлар ишлаб чиққан. Янги ташкил топган "Limited Edition London" компанияси томонидан меҳмонларга турли хилдаги маданий тадбирлар таклиф этилади. Компания вакилларининг фикрича, бундай маданий тадбирлар сўнгги йилларда сайёҳлар оқими анча камайган Буюк Британия иқтисодиётига сезиларли даромад келтиради.

Олимпия ўйинлари давомида хавфсизликни таъминлаш мақсадида ўн икки минг нафар полиция ходими, ўн минг хусусий қўриқчи ва олти минг нафар ҳарбий жалб этилган.

25 июль куни Олимпия шаҳарчасининг маданий марказига айланган, расмий, маданий, тантанали тадбирлар, кўргазма ва шоулар ўтказиладиган махсус ҳудудда дунёнинг 205 мамлакати қаторида мамлакатимиз мадҳияси ҳам янграб, юртимиз байроғи кўтарилди.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

# Жасурнинг шижоати баланд

**Лондон шаҳри мезбонлик қилаётган XXX Олимпиада ўйинларида иштирок этаётган юртдошларимиз орасида пахтаободлик Жасур Латипов ҳам бор. У ўзининг Олимпия ўйинларидаги дастлабки жангини 29 июль куни ўтказади. Жасурнинг отаси Мадаминжон миришкор деҳқон сифатида элга танилган эди. Айни вақтда моҳир чавандоз бўлиб, водийда бўлиб ўтадиган улоқларда иштирок этарди.**

— Ўғлимиз 9 ёшга тўлганда отасидан айрилиб қолдик, — дейди Матлубахон опа. — У киши Жасурни мард, шижоатли қилиб тарбия қилмоқчи эдилар. Ўғлим ўқийдиган 41-умумтаълим мактаби ёнида спортнинг бир қатор турлари бўйича тўгараклар очилди. Жасур 5-синфда каратэ бўйича машғулотларга қатнай бошлади. Бу ерда Абдулҳафиз Эгамов бокс тўгарагини бошқарарди. Жасур ушбу тўгаракка ҳам аъзо бўлди. Бир вақтнинг ўзида спортнинг икки тури бўйича машғулотларда иштирок этиш оғир кечса-да, ўғлим бундан афсусланмади. Унга амакиси Адҳамжоннинг далдаси, тарбияси катта мадад бўлди.

Мураббий Абдулҳафиз Эгамов таклифи билан кейинчалик бор эътиборини, куч ва ғайратини бокс сирларини чуқур ўрганишга йўналтирган Жасур бокс техникаси ва тактикасини тез ўзлаштирди.

— 2003 йили Жасурни етаклаб олимпия захиралари коллежига келдим, — дейди Адҳамжон Латипов. – Қабул комиссияси унинг ҳужжатларини қабул қилмади. Сабаби, вазни меъёрдагига нисбатан 6 килограмм кам экан. Қишлоққа қайтдик. Абдулҳафиз Эгамов қўл остида машғулотларни давом эттираверди. Келгуси йили яна шаҳарга бориб коллежга ҳужжат топширишга киришдик. Яна вазн муаммоси чиқди...

Шунда Жасур бокс бўйича мураббий Эркинбой Бойбобоевга 36 килограмм вазндаги боксчи билан рингга чиқаман. Ютсам ўқишга қабул қиласизми?, деб қолди. Қабул комиссиясидагилар эндигина 7-синфга ўтган 13 ёшли боладаги шижоат ва қатъиятни кўриб розилик беришди. Жасур ўзидан 6 килограмм оғирликдаги тенгдошини мағлуб этди. Шундай қилиб, у ўқишга қабул қилинди.

Жасур ишончни оқлади. Бокс техникасини тез ўзлаштира бошлади. 2004 йилда ўз вазни бўйича вилоят чемпиони бўлди. Орадан 2 йил ўтгач эса пойтахтда ўтказилган "Меҳржон" республика турнирида мутлақ ғолиб бўлди. Сўнгра ёшлар ўртасида республика чемпиони...

Анголада ўтказилган халқаро турнир ёш спортчи учун сабоқ бўлди. У асосий зарба берувчи — ўнг қўлидан жароҳат олди. Шунда чап томонлама ҳам жанг қилишни ўрганиши зарурлигини тушуниб етди ва кейинчалик Машғулотларда ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратди. Мексикада ўтказилган мусобақада ўзининг бу борадаги маҳоратини намойиш этди ва юртга кумуш медаль билан қайтди.



Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтказилган биринчиликлар ва турнирлар давомида Жасур Латиповнинг номи бир неча бор янгради. Унинг ютуқлари эвазига мамлакатимиз байроғи бир неча бор юқорига кўтарилди.

2011 йилда Озарбойжонда ўтказилган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Жасур Латипов 52 килограмм вазн тоифасида рингга чиқди. Мазкур чемпионат унинг ҳар бир иштирокчиси учун икки карра синов ҳисобланарди. Чунки унинг совриндорлари айни вақтда Буюк Британия пойтахтида ўтказиладиган XXX Олимпиада ўйинларига йўлланма оларди. Бу масъулиятни чуқур ҳис этган ёш спортчи биринчи беллашувда беларуслик Иван Фихуренкони 21-7, сўнгра швейцариялик Саломо Нтувени 12-8, италиялик Винченсо Рикардини 18-11 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ярим финалда Уэльс вакили Эндрю Селбига 15-21 ҳисобда ютқазиб қўйган бўлса-да, чемпионатнинг бронза медалини қўлга киритди ва олимпиада йўлланмасига эга бўлди.

